

reading context and the meaning, in the native language and English. Later, when they encounter the new word again, he (she) can just access the personal dictionary and cement the concept in his (her) memory.

We often set a range of activities based on dictionaries, for example a game that the student have to find words related to a specific subject like "house remodeling" and the exercise consisting in making a list of materials and it takes the vocabulary enhancing. It is most used at our instrumental classes, focused on a specific area: engineering, Laws, IT etc ...

One of the most effective ways is to encourage learners to compile their own dictionary which includes familiar words to them, as a result they recognize the importance of it and value this dictionary not only during the lesson but also the rest of their free time.

During the lesson the activities and the games not only for students but also for teachers can be used. Before the courses we ask students to look for the meaning of new words in given passages for reading and it is up to them to use any of the dictionaries. We usually get our students to

find new words while brainstorming a topic; asking synonyms and antonyms of words.

Explaining how to use abbreviations in phonetic symbols and stress to your learners in dictionary and encouraging to use dictionary improve the effectiveness of working with dictionary throughout the courses.

The following activities are useful in our classroom: 1) Give them a list of spelling of familiar words where they have to find out whether it is right or wrong. 2) Divide the group in two and have a competition in locating words in the given list in alphabetical order form. 3) Work on homonyms and homophones to form contextual understanding for the text read in class. 4) Mark spelling mistakes from each other's drafts of writing and suggest the correct spelling.

In conclusion, if compiled dictionaries are fit for national educational system in learning foreign languages, clear to learners, based on necessary needs, taken user's preference, which improving knowledge of the culture of various countries, into consideration, even time can not be cause to place a low value on such a good dictionary.

Reference

1. Schmitt N., Schmitt D. and Clapham C. (2001). «Developing and exploring the behaviour of two new versions of the Vocabulary Levels Test», in *Language Testing*, 18, 1.
2. McLaughlin B. (1978). «The monitor model: Some methodological considerations», in *Language Learning*, 28.
3. Bensoussan M., Sim, D. and Weiss R. (1984). The effect of dictionary usage on EFL test performance compared with student and teacher attitudes and expectations. *Reading in a Foreign Language*. 2.
4. Luppescu S. and Day R.R. (1993). Reading, dictionaries, and vocabulary learning. *Language Learning*. 43/2.
5. Thompson G. (1987). Using bilingual dictionaries. *ELT Journal*. 41/4.

REZYUME

Мазкур мақолада инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғатларининг тузилиш тамойиллари танқидий ўрганилиб, улардан мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрталарида инглиз тилини ўқитишда фойдаланишга қаратилган таклифлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье были критически исследованы составляющие принципы англо-узбекских и узбекско-английских словарей, а также представлены практические рекомендации для улучшения их роли в преподавании английского языка в школах, лицеях, колледжах и высших учебных заведениях.

SUMMARY

In the article compiling principles of English-Uzbek and Uzbek-English dictionaries were critically investigated and there were given practical recommendations for improving their role in teaching English at schools, lyceums, colleges and higher educational establishments.

КАМОЛОТ ТИЗИМИДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ (назарий ёндашув)

С.Р.Садриддинов - катта ўқитувчи

А Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбарлари ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

Таянч сўзлар: камолот, жисмоний камолот, маънавий камолот, психологик камолот, психологик ҳимоя, гендер тафовут, Стъудентнинг t-мезони, базавий ва орттирилган психологик ҳимоя, психологик дискомфорт, эҳтиёж, ҳаётий тажриба, вазият, копинг ҳулк.

Ключевые слова: развитие, физическое развитие, духовное развитие, психологическое развитие, базовая и приобретённая психологическая защита, гендерное различие, t-критерий Стъудента, психологический дискомфорт, потребность, жизненный опыт, ситуация, копинг поведение.

Key words: development, physical development, spiritual development, psychological development, basic and acquired psychological defense, gender difference, Student's t-test, psychological discomfort, need, life experience, situation, coping behavior.

Психология фанида психологик ҳимоя феномени турли илмий мунозараларнинг асосий мавзуси бўлиб келмоқда. Чунки психологик ҳимоя функционаллиги жиҳатидан шахс маънавий дунёсининг ижтимоий муҳит билан мослашувини таъминлаш учун амал қилиб, гоҳида психологик ҳимоя механизмидаги элементларнинг зиддияти натижасида, психологик ҳимоя ижтимоий дезадаптациянинг сабаби ҳам бўлиши мумкин.

Онтогенезда, ҳар бир шахс сезги органлари воситасида ахборотни идрок этиб, унга ишлов бериб ва манзилга узатишни фақат ўзига хос бўлган (индивидуал) технологиясини қўллаиди, англандан ёки турли хоссалар тарзида уни билим шаклига келтиради. Мазкур жараён автоматизациялашиб, индивидуал когнитив услубга айланади. Когнитив услуб,

индивидуал онг ва онгсизлик динамикасида ҳам ифодаланиб, психологик мажмуа тарзида “Мен” ва “Мен-эмас” кўринишида шахснинг ўзига баҳо бериш намунасида, атроф-муҳитга бўлган муносабати тарзида, ўзликни англаш кўринишида намоён бўлади. Ифодаланишига кўра, онг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадий, диний, экологик каби турларга ажратилади. Масалан, ахлоқий онг - жамиятда инсонлар орасида яхшилик ва ёвузлик, оқ ва қорани инъикос этувчи онг тури ҳисобланади. Ахлоқий онг, инсоннинг турли фаолият юритишида меъёр, анъана, урф-одат, тартиб, йўриқнома тарзида муносабатларни тартибга келтиради. Бадий онг эса ижтимоий борлик ва унинг гўзаллигини инъикос этади. Бадий онгнинг муҳим кўриниши санъат ҳисобланиб, у инсонни маданий хоссаларни ўзлаштиришини, ижтимоий-

лашуви ва мослашуви (адаптациясини) таъминлаб, индивидуал тарзда ҳиссиётни ифода этиш маданияти, идрок ва тафаккур маданияти намуналарида намоён бўлади. Шу сабабли, конструктив психологик ҳимоя, маданий аҳамият касб этиб, кечаётган воқеа ва ҳоисаларнинг субъектив моҳиятини белгилаб беради. Е.Доценко “психологик ҳимояни асосий жиҳатини, шахсни интроспекцияга тушмаслигини таъминлашдан иборат”-деб билади [1]. Интроспекция - [Юнонча: intro (- ички) + jasege (- солмоқ)., шахсни ички дунёси доирасида яратиладиган қарашлари, мотивлари ва бошқалар томонидан бериладиган кўрсатмадир. Чунки ташқи сабаблар ички шароитнинг таъсири асосида вужудга келиб, академик С.Рубинштейннинг таъкидлашича “ташқи таъсир у ёки бу психик натижа беради”[2].

В.Долгова ва О.Кондратьеваларнинг ёзишича “Замонавий психологияда шахс камолотини таъминлашда психологик ҳимоянинг ўрнига доир ягона нуқтаи назар мавжуд эмас [3]”. Ушбу олимларнинг бу тарздаги қатъий муносабати мунозарали ҳисобланади. Сабаб, психологик ҳимоянинг илк кўриниши халқ оғзаки ижодининг намуналарида ифодаланган бўлиб, турли мифологик образ ва сюжетларнинг психологик талқинида ўз инъикосини топган. Жумладан, Абулқосим Фирдавсийнинг (932-1020) эпик “Шоҳнома” асарининг “Рустам ва Сухроб” достонида қаҳрамонларнинг жанг майдонидаги илк мулоқотида Рустам жон саклаш мақсадида (Сухроб Рустамни йиқитиб, кўксига ханжар тикмоқчи бўлганда) Сухробга “Эй, навқирон! Сен биринчи маротаба жанг майдонида курашяпсанми? Рақибни биринчи маротаба йиқитганда, уни ўлдиришмайдилар [4]” дея, Сухробнинг ғазабидан жон саклаш учун ҳаракат қилади (психологик ҳимоядан фойдаланади) ва жонини саклаб қолади.

Сюжетнинг талқинида кўриниб турибдики, психологик ҳимоя билан бирга психологик ҳимоя вужудга келган психологик ҳаловатсизликни (дискомфортни) бартараф этиш учун вужудга келадиган негативизм, “ёлғон”ни яратилиши, фаолиятни алмашинуви кўринишида намоён бўладиган феномен ҳисобланиб, бунда вазият омили психологик ҳимояни моҳиятини белгилаб беради. Психология луғатида психологик ҳимоя тушунчасига берилган таърифда ҳам бу мазмун ўз ифодасини топган ва шахснинг онг сатҳини негатив ва жароҳат етказувчи кечинмаларни келтириб чиқарувчи ахборотдан “саклаш”лиги кўрсатиб ўтилган [5].

Тадқиқотчилар Ф. Василук [6], Ю.Захарова [7] ва бошқалар [8], психологик ҳимояни шахс адаптациясининг ноадекват воситаси, патологик коммуникация кўриниши, шахснинг ижтимоий муҳит билан алоқадорлигини пасайиши, девиант хулқни вужудга келтирувчи ҳолат тарзида баён этган. Алоҳида тадқиқот ўтказган Ф.Бассин [9], Б.Братусь, Б.Зейгарник [10], О.Власова [11] ва бошқа тадқиқотчилар [12], психология ҳимоя шахснинг позитив “Мен”ини фрустратив вазиятлардан холи бўлишдан, хулқини беўхшовликдан саклаш учун функционал аҳамият касб этишини назарий ва эмпирик тадқиқотларнинг ҳулосавий қисми кўринишида кўрсатиб ўтган.

Психологик ҳимояни ижтимоий-маданий аҳамиятини англаш учун, уни “Шахс ва гуруҳ”, “Шахс ва касбий фаолият”, “Шахс ва маиший - маданий меъёр”, “Шахс ва вазият” каби ижтимоий-психологик даражаларда метрик услублар воситасида интегратив тарзда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис тадқиқотимизда “Шахс ва касбий фаолият” доирасида психологик ҳимоя механизмини ўрганишни мақсад қилиб олдик. Р.Грановская ва И.Никольская психологик ҳимоя механизми деганда “шахс идрок этилаётган ахборотларни онгости даражасида қайта ишлаш натижасидаги интрапсихик адаптацияни [13]” тушунилади. Камолот психологиясининг “Камолотни ёш босқичларини психологик қонуниятлари”дан [14] маълумки, бу мураккаб операцияларда барча психологик жараён ва функциялар иштирок этади. Булар: эмоция, тафаккур, тасаввур, диққат, хотира ва идрок. Шу сабабли, психологик жароҳат етказувчи ёки психологик ҳаловатни бузувчи ахборот идрок этилганда, ҳимоя механизми “тозалагич” (фильтр) тарзида амал қилади. Натижада, фаолиятни издан чиқарувчи ахборот инкор этилади, ўзгартирилади ёки мақбул ахборот тури билан алмаштирилади. Шу тарздаги ички ҳолат, муҳитга мослашишни ўзига хос тури сифатида шартланган бўлади. Тадқиқотда “Тугалланмаган жумла” методикасини қўллашни мақсад қилиб олдик. Бу методика респондентларнинг фойдаланмаган имкониятларига, ўз тақдирига, яқинларига, ўтмишига, бошқа жинс вакилларига, касбдошларига бўлган муносабат жараёнида психологик ҳимояни ифодаланганлигини аниқлаш имкониятини беради. Жуладан, тадқиқотга қатнашган 49,2% респондент хотин - қизлар ўзларига танқидий муносабатда бўлиб, яна уларнинг 90,% ўз тақдирлари ҳақида қайғуриб, қандайдир хавфдан хавотирда эканлигини кўрсатган. Сабабсиз хавотирланиш уларнинг фаолиятини издан чиқариши мумкин. 78,% респондент хотин-қизлар қарама-қарши жинс билан хизмат муносабатида ноқулайликлар хисс қилишларини кўрсатиб ўтган. Улар “Бошқа жинс вакили билан мулоқотга киришишда, ўзимни етарлича назорат қилаолмаслигим натижасида, фикримни тўлиқ баён этолмайман” деган жавобни келтирган. Бу ўз навбатида уларда, психологик ҳимоя психологик ҳаловатсизликни (дискомфортни) бартараф этиш учун амалий аҳамият касб этишини кўрсатади. Мазкур гендер хусусият, 45,% эркак респондентларда ҳам кузатишган. Бунда уларнинг маълумот савияси, маданий мансублиги, ҳаётий тажрибаси алоҳида инобатга олинган. Маълумот даражаси юқори бўлган, ҳаётий тажрибага эга бўлганларда бу кўрсаткич анча паст (15% ташкил этади). Респондентларнинг 78% (статистик алоқадорлик хотин-қизларда 0.58 ва эркакларда -0.11) “Тоҳида оилавий ҳаётда ҳам сабабсиз, қандайдир таҳдидни ҳис этиш”лари аниқланган (1-жадвал. Студентнинг t-мезони бўйича). Бу кўрсаткич, ёшларимизни мустақил оилавий ва касбий ҳаётга тайёрлашда позитив “Мен”ини кўрсата билиш, индивидуал психологик ҳимоя тарзини ифодалашда маданий ёндашиш техникасидан фойдаланишларини эгаллашни тақозо этади. Психологик ҳимоя ижтимоий муносабатларни барқарор кечиши ва таҳдидли хулқни ифодаламаслиқни таъминлайди.

1-жадвал.

Гендер тафовут индикаторининг корреляциявий кўрсаткичи

Муноса-бат тарзи	Фойдалан-маган имконият	Ўз тақ-дирига	Яқин-ларига	Ўтми-шига	Бошқа жинс вакилларига	Касбдош-ларига
Хотин-қизларда	0.58	2.88	1.46	0.51	-1.65	2.85
Эркакларда	-0.11	1.72	0.76	-0.23	-1.08	2.21
t	2.62	3.96	3.76	2.46	-1.98	2.26
p	0.0095	0.0001	0.0002	0.015	0.049	0.0254

Натижаларнинг корреляциявий (Стъудентнинг t-мезони бўйича) тахлили шуни кўрсатмоқдаки, хотин-қизларда фойдаланилмаган имкониятлар хали мавжуд. Бу кўрсаткичлар, психологик ҳимояда гендер тафовутнинг мавжудлигини кўрсатади. Ўз тақдирига бўлган муносабати, эркакларда хотин-қизларга қараганда анча паст. Сабаб, улар ўз ҳаётини турмуш ўртоқларининг ҳукмига ҳавола қилишлари, яъни анъанавий ҳаётий ёндашувга амал қилишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бошқа этномаднийат вакилларида бу кўрсаткичлар фарқланиши эҳтимолдан холи эмас.

Илмий манбаларнинг тахлили [15] шуни кўрсатмоқдаки, психологик ҳимоя механизмининг ягона модели мавжуд эмас ва ҳар бир субъектда индивидуал тарзда ифодаланади. Бизнингча, бу субъектнинг этномаданий масублиги, ижтимоий етуқлиги, маиший тажрибага эга эканлиги, вужудга келган вазият, эҳтиёжларини қондирилганлиги, маданиятга эга эканлиги, олий асаб тизимини тури каби хусусий омиллар билан боғлиқдир. Шунинг учун кимнингдир психологик ҳимояси кучсиз, кимникидир кучли. Кучсиз психологик ҳимоя фаолиятни издан чиқарувчи ахборотдан тўлиқ ҳимоя қилиш имкониятига эга эмас. Кучли психологик ҳимоя эса, шахсни фаолиятини издан чиқарувчи ҳар қандай ахборотни “тозалагич”дан (филтрдан) ўтказди. В.Долгова ва О.Кондратьеваларнинг ёзишича, бу аснода (яъни, психологик ҳимоя намунасини баҳолашда) “меъёрий психологик ҳимоя ва патологик психологик ҳимоя шакллари ажрата билиш лозим”[16]. Меъёрий психологик ҳимоя профилактик вазифани бажариб, онг сатҳини психологик жароҳат етазувчи ахборотлардан

ҳимоя қилади. Патологик психологик ҳимоя эса, шахснинг дезадаптациясига сабаб бўлиб, фаолиятини издан чиқаради.

Л.Гребенников психологик ҳимоя феноменини [17] қуйидаги ёндашувлар асосида амалга оширишни таклиф этади:

1. клиник ёндашув (бунда, асаб-психик ўзгаришларнинг симптомлари назарга олинади);

2. онтогенетик ёндашув (бунда, ҳимоянинг алоҳида турларини вақт оралиғида шаклланиши назарга олинади);

3. эволюциявий-эмоционал ёндашув (бунда, алоҳида базавий эмоцияларни ифодаланиши назарга олинади).

Биринчи ёндашув патопсихология, тиббиёт ва психиатрияда кенг қўлланилади. Иккинчи ёндашув, барча психологик ҳимоя механизмларини тўртдан то ўттиз олтигача ва уларни барчасини примитив ва олий кабиларга ажратиш мумкин. Учинчи ёндашув психозэволюция назариясига асосланган.

Хулоса тарзида, таъкидлаш лозимки, таълим тизимида психологик ҳимоя мавзусига алоҳида эътибор қаратиб, таълим муассасаси шароитида психологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун “Ёшлар камолотини таъминлашда психологик ҳимоя феномени” дастурини қабул қилиш тавсия этилади. Дастурда ёш, жинс ва маданий мансубликни инобатга олган ҳолда, ёшларни турли психологик таҳдидлардан ҳимоясини таъминлаш мақсадида уларда психологик ҳимояни шакллантиришнинг психологик механизмларини назарий таснифи мужассам этилган бўлиши лозим.

Адабиётлар

1. Доценко Е. Л. Психология манипуляции: феномены, механизмы и защита. - М.: “Речь”, 2004. - С. 104.
2. Рубинштейн С. Л. Бытие и сознание. - М.: Академия наук, 1957. - С.231.
3. Долгова В.И., Кондратьева О.А. Психологическая защита / монография. - М.: «Перо», 2014. - С.20.
4. Абулкосим Фирдавсий Шохнома. – Душанбе: Адиб, 1988. чилди IV. - С. 67.
5. Психология. Словарь / Под ред. Петровского М. Г., Ярошевского М. Г. -М.: Политиздат, 1990. - С. 121.
6. Василюк Ф.Е. Процесс переживания. // Самосознание и защитные механизмы личности. Хрестоматия. - Самара: 2003. - С. 309-336.
7. Захарова Ю.Б. О моделях психологической защиты на уровне межгруппового воздействия. // Вестник МГУ. Сер. 14, Психология. 1991. №3. - С. 5-12.
8. Ташлыков В.А. Психологическая защита у больных неврозами и психологическими расстройствами. СПб. 1992. -С.22.
9. Бассин Ф.В. Проблема психологической защиты. // Психологический журнал. 1988. №9. -С.79-86.
10. Братусь Б.С., Зейгарник Б.В. Очерки по психологии аномального развития личности. -М.: 1992. -С. 192.
11. Власова О.Г. Психологическая защита как средство личностного развития студентов. // Дис. ... канд. психол. наук. – Ставрополь: 1998, -С. 179.
12. Прохоров А.О. Психические состояния и их проявления в учебном процессе. -Казань: 1991. -С. 168.
13. Грановская Р.М., Никольская И.М. Психологическая защита у детей. СПб.: Речь, 2010. -С.26.
14. Сапогова Е.Е. Психология развития человека. СПб.: Аспект Пресс, 2005. -С. 177-373.
15. Доценко Е. Л. Психология манипуляции: феномены, механизмы и защита. - М.: “Речь”, 2004. -С. 104., Киришбаум Э. И., Еремеева А. И. Психологическая защита. - М.: «Смысл», 2000. -С. 81.
16. Долгова В.И., Кондратьева О.А. Психологическая защита. / Монография. - М.: «Перо», 2014. -С.26.
17. Гребенников Л.Р. Механизмы психологической защиты. // Дис. ... канд. психол. наук. -М.: 1994. -С. 45-46.

РЕЗЮМЕ

Психологик ҳимоя, шахсни психологик дискомфортдан холи қилиш учун шарт бўлиб, у базавий ва орттирилган каби психологик ҳимоя турларига бўлинади. Психологик ҳимоя, ҳулқнинг маълум формасида ифодаланиб, унинг моҳиятини субъектнинг психологик маданияти ва ҳаётий тажрибага эга эканлиги белгилайди.

РЕЗЮМЕ

Психологическая защита служит для преодоления психологического дискомфорта личности и делится на базовые и приобретенные психологические защиты. Психологическая защита проявляется в определенной форме поведения, и его сущность определяется наличием психологической культуры и жизненным опытом, в том числе благополучной социализацией субъекта.

SUMMARY

Psychological protection serves to overcome the psychological discomfort of the individual and is divided into basic and acquired psychological defenses. Psychological protection manifests itself in a certain form of behavior, and its essence is determined by the presence of psychological culture and life experience, including the successful socialization of the subject.